

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Якубов Қ. Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация ... 3
Идиев А. “Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар 16

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Алимова Д. Марказий Осиёнинг XVI – XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида..... 27
Абдурасулов Х. Из истории внедрения в Туркестанском крае российских мер и клейменых весов 41
Хуснутдинов Ф. Обзор публикаций по биографии Саййида Махмуда Тарази – представителя туркестанской эмиграции *‘улама’*: достоинства и лакуны 58

ДИПЛОМАТИКА ТАРИХИДАН

Остонов Ж. Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати 82

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Каримова С. Ибн Сино диагностикаси 95
Азизов С. “Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга оид маълумотлар 107

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Трансформация гендерного вопроса в Южной Корее в XX веке 117
Акрамова Ш. Реформа науки и образования в КНР 130

ПЕРСОНАЛИ

Академик Дилорам Юсупова таваллудининг 80 йиллигига қутлов

Асқаров А. Дилором Юсупова – таниқли шарқшунос олима..... 140

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 3 декабрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

С. Каримова

Ибн Сино диагностикаси

Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг (980–1037) фан тарихида энциклопедик олим сифатида танилишига сабаб бўлган омиллардан бири унинг илмий қизиқиш ва билимларининг кенглиги бўлса, иккинчиси аллома илмий услубидаги тизимли ёндошувдир. Тасниф (классификация) масаласига Ибн Сино жиддий эътибор берганини ўзи ишлаб чиққан илмлар таснифи, маъданий моддалар таснифи ва, айниқса, ўша даврдаги барча тиббий билимлар таснифида кўриш мумкин. Барча тиббий маълумотларни тизимлаштиргани ва тиб назариясини шакллантиргани Ибн Синони буюк табиб сифатида танитди. Бунга аллома томонидан араб тилида яратилган энциклопедик характердаги “Тиб қонунлари” асари ёрқин далилдир. “Тиб қонунлари”нинг фан тарихидаги аҳамияти шундан иборатки, у антик давр табобати билан замонавий медицина ўртасида тарихий ҳалқа бўлди, чунки унда антик давр табобати принциплари янги ёндошув ва усуллар билан бойитилиб, ривожлантирилди ҳамда замонавий медицинанинг диагностика, терапия ва профилактикага тегишли тармоқлари билан туташтирилди.

Бу китобда Ибн Сино тарафидан ишлаб чиқилган ёки такомиллаштирилган самарали ташхис, терапевтик ва жарроҳлик усуллари, доришуносликка оид маълумотлар келтирилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бир қанча вақтдан сўнг Европада қайта кашф этилган, айримлари бугун ҳам амалий аҳамиятини йўқотмаган. Лекин Ибн Синонинг буюк табиблигини кўрсатувчи асосий жиҳат – унинг тенгсиз диагност эканлигидир. Зеро, аллома қўллаган ташхис усулларига замонавий диагностика нуқтаи назаридан қаралса,

баъзиларининг ҳозир ҳам амалда эканлигини, айримлари эса принципиал жиҳатдан ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўриш мумкин.

Беморнинг тузалиши биринчи навбатда тўғри қўйилган ташхисга боғлиқлиги ҳаммага маълум. Ибн Сино эса табиб сифатида буни жуда яхши тушунган ва ташхис қўйишда бугун ҳам амал қилинадиган қуйидаги нарсаларни зарур деб билган: беморнинг табибга бўлган ишончи; инсон анатомияси ва физиологиясини мукаммал билиш; касалликларнинг этиопатогенезиси (ибтидоий сабаблари), симптоматикаси (белгилари) ва даврларига аҳамият бериш.

Ҳар бирини алоҳида кўриб чиқадиган бўлсак, Ибн Сино бемор аҳволини аниқлашда табиб унинг касалликдан олдинги, ҳозирги ва келажакда бўладиган аҳволини билиши ва уни шундан хабардор қилиши лозим, деб ҳисоблайди. Бу эса бемор олдида табибнинг касбий етуклиги ва малакасини намоён қилиб, унга нисбатан ишончни оширади. Беморнинг ҳозирги ва келажакда бўладиган аҳволини кўрсатувчи белгилар асосида мавжуд касаллик ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатлари аниқланиб, зарур бўлган даволаш чораларини қўллаш имконияти туғилади. Демак, аллома беморнинг табибга бўлган ишончига соғайишнинг психологик омилларидан бири сифатида қараган [9: LII].

Ибн Синонинг анатомик билимлари, яъни инсон организмининг тузилиши ва аъзолар функцияларини чуқур билиши унга касаллик локализациясини, функционал жиҳатдан ҳамкор бўлган аъзолардаги ўзгаришларни, касалланган аъзо функциясининг қай даража бузилганлигини тўғри аниқлаш имконини берган. Олимнинг бу соҳадаги билим ва мантиқий хулосалари “Тиб қонунлари”нинг I, III ва IV Китобларида муфассал баён этилган.

Ибн Синонинг анатомия ва физиология бўйича мурда устида патологоанатомик текширувларни ўтказиш иложсиз бўлган даврда эга бўлган билимларига замонавий фан нуқтаи назаридан қаралса, жуда кўп ҳолларда уларнинг тўғрилигини кўриш мумкин. Масалан, у одам танаси суяк тизимидаги суяклар анатомияси ва уларнинг бирикиши, шунингдек, мушак тизимининг аниқ ва тўғри тавсифини берган, асаблар айрим толалар (нейрофибриллар)дан тузилганлигини, орқа мия асабларининг ҳам бошланиш ери бош мияда эканлигини

[2: 43–110], вена қон томирининг функциясини [2: 118] тўғри аниқлаган.

Ибн Синога қадар ўтган табиблар, шу жумладан Гиппократ ҳам кўзнинг энг муҳим қисми – унинг гавҳари, деб ҳисоблаганлар. Шунга асосан, кўздан нур чиқади, шу нур бирон нарсага тушиши оқибатида ундан акс этиб, нарсанинг шаклий ифодасини топади, деб ўйлаганлар [10: CVI]. Ибн Сино эса улардан фарқли ўлароқ кўзнинг тузилиши ва кўриш қувватининг физиологик-оптик жараёнларга боғлиқлигини тўғри кўрсатиб берди [3: 205–209, 261]. У кўриш аъзоларининг фаолиятини изоҳлашда масалага физика нуқтаи назаридан ёндашиб, кўришни нурнинг шаффоф жисмдан ўтганда содир бўладиган оптик жараёнлар (нурнинг синиши ва қайтиши) билан боғлиқ ҳолда тушунтирди ва нарсаларнинг сурати кўзнинг тўр пардасида акс этишини исботлади. Кўриш жараёни ҳақидаги худди шундай хулосага мустақил равишда Абу Райҳон Беруний (973–1048) ва ал-Ҳасан ибн ал-Ҳайсам (965–1039) ҳам келганлар.

Ибн Синонинг кўз тузилиши, функцияси ва касалликлари бўйича билимлари “Қонун”нинг Ш ва V китобида батафсил баён этилган бўлиб, кўз касалликларига чалиниш сабабларини, хусусан, иқлим шароитини тўғри қайд этган [3: 215].

Олимнинг қулоқнинг тузилиши ва функцияларига доир “Тиб қонунлари”нинг Ш Китоби 4-фанида келтирган маълумотлари айниқса диққатга сазовордир. У эшитиш аъзоси тузилишини тавсифлар экан, қулоқни ташқи, ўрта ва ички қулоқ ҳамда бошқа бош асаблари баробарида эшитиш асабидан иборатлигини тўғри айтади. Шунингдек, у қулоқ пардаси ортида ҳаволи бўшлиқ (бурама тешик) борлиги ва у бурун каваги ҳамда бурун-томоқ бўшлиғи билан боғлиқлигини таъкидлайди. Бу эса илмий адабиётда “Евстахий найи” – tubo Eustachio деб аталувчи эшитиш найини Ибн Сино италиялик табиб Барталомео Евстахийдан (XVI аср) 500 йил аввал аниқлаганини кўрсатади [3: 285–286; 7: 216]. Ундан ташқари, олим товушнинг пайдо бўлишига ҳавонинг тўлқинланиб, эшитиш аъзосига урилиши сабаб эканлигини ҳам тўғри тушунтирган ва шу билан боғлиқ ҳолда доимий шовқин шароитида ишлайдиганларда касбий акутравма, яъни эшитиш аъзосининг қаттиқ товушлардан шикастланиши ҳам содир бўлишини билган [3: 296]. Ҳозирда бундай

касалликлар замонавий отиатриянинг алоҳида йўналишини ташкил этади [7: 218].

Ибн Синонинг тўғри анатомик билимлари яна унинг томоқ ютқун аъзоларининг тузилиши ва функцияси [3: 385], ошқозондаги ихтиёрсиз мушак толаларининг жойлашув принципи, овқатнинг ҳазм трактида қолиши муддати [3: 558, 630] ҳақидаги маълумотларида, шунингдек, марказий асаб фаолиятининг маълум қонуниятларини тўғри тушуниш асосида берган тавсияларида [5: 70, 612] акс этган. Алломанинг чуқур эгаллаган анатомик билимлари унинг табиий кузатувчанлиги билан уйғунлашиб, кучли диагност бўлиб шаклланишига замин яратди. У, айниқса, томир уриши далиллигидаги ташхис ҳамда дифференциал диагностикада тенгсиз мутахассис бўлган, яъни ўзидан аввалги машҳур табибларнинг усулларини чуқур ўрганиб, уларни олий даражада такомиллаштирган. Масалан, Ибн Сино ташхис қўйишда Гален фикрига қўшилган ҳолда, инсон гавдаси аҳволини учга, яъни соғлом, касал ва шуларнинг ўртасидаги ҳолатга ажратади, Аристотелнинг: “танадан ажратиб олинган қўл – фақат номига қўл”, деган фикрига қўшилиб, касалликни аниқлашда унга кўп ҳолларда алоҳида аъзода юз берган локал ўзгариш эмас, балки инсон организмининг бир бутун, яхлит механизмига етган зарар, деб қарайди [2: 155]. Бундай ёндошув эса касалликнинг бирламчи, чин сабабини аниқлаш имконини беради.

Олимнинг касаллик этиопатогенезиси, яъни бошланғич келиб чиқиш сабабларига доир фикрлари замонавий клиникада амал қилинадиган принципларга тўғри келади. Чунончи, у гавдага бирор бир сабабнинг таъсири одамнинг кучли ёки кучсизлиги, сезувчан ёхуд кам сезувчанлигига боғлиқ эканини таъкидлайди; таъсир қилувчи ташқи сабабларни зарурий ва зарурий бўлмаганларга ажратиб, зарурийларни касалликларнинг асосий этиопатогенетик омиллари сифатида олти турга бўлади:

1. География ва иқлимий омиллар; 2. Озиқ-овқат ва ичимликлар; 3. Гавданинг ҳаракати ва тинчлиги (касбий сабаблар ҳам шу турга киритилган); 4. Эмоционал-психик сабаблар; 5. Уйқу ва уйғоқлик; 6. Гавдадаги моддалар – хилтларнинг (қон, балғам, сафро ва савдо) “бўшалиши” ва туриб қолиши.

Мазкур зарурий ва инсон организмига тасодифан таъсир қилувчи зарурий бўлмаган сабаблар турли функционал ва органик ўзгаришларни келтириб чиқариши оқибатида ҳар хил касалликлар пайдо бўлади [9: LI].

Ташхис учун юқорида зикр қилинган умумий қоидалар ҳамда ҳар бир индивидуал ҳолатдаги сабаб ва белгиларни диққат билан кузатган Ибн Сино инсон организмида содир бўлиши мумкин бўлган касалликларни содда ва мураккабларга таснифлайди. Содда касалликлар уч тоифадаги патологик ўзгаришлар туфайли келиб чиқади. Булар: мизож бузилиши (ҳар бир аъзо мизожининг ҳам ўзгариши) оқибатида келиб чиқадиган касалликлар; гавда ва аъзодаги туташ структура (“узлуксизлик”)нинг бузилишидан содир бўладиган касалликлар (суякларнинг синиши, яралар, жароҳатлар, томир ва ички аъзоларнинг ёрилиши ёки узилиши ва ҳ.к.); “таркиб” (қурол аъзолар), яъни бош, юз, қўл, оёқ кабиларда бўладиган касалликлар (масалан, фил касаллиги, даббалар, чиқишлар, фалаж, қалтираш ва бошқалар) [9: LXVII]. Содда касалликлар фақат бир амал (масалан, совутиш ёки қиздириш, ёхуд бир хилтни ҳайдаш) билан даволанган [6: 10, 233]. Мураккаб касалликларга Ибн Сино яллиғланишлар, шишлар, тошмалар, ўсмалар, безлардаги патологик жараёнларни киритади ва бу турдаги касалликларда юз берадиган патоморфологик ўзгаришларни бир неча хил содда патологик ўзгаришларнинг бир ерда жамланиб кўриниши, деб ҳисоблайди. Бундай касалликлар муолажаси бир нечта амаллар қўллашни талаб қилган [6: 10, 233].

Ташхис амалиётида Ибн Сино одамнинг ташқи кўриниши ва ҳатти-ҳаракатини кузатиш, организм чиқиндиларини (сийдик, ахлат, балғам ва б.) текшириш, томир уриши, пальпация (аъзони пайпаслаш, қўл билан босиш), перкуссия (аъзога секин уриш) ва бошқа усуллардан фойдаланган; одам организмидаги асосий функцияларни бошқарувчи “раис” аъзолар (мия, юрак, жигар) аҳволини аниқлаш учун шу аъзоларга боғлиқ баъзи функцияларни текширишни тавсия қилган: “мия ҳақида эркин ҳаракатларнинг ҳолатига, ҳиснинг ишларига ва фикр қилишга қараб; юрак ҳақида томир уришига ва нафас олишга қараб; жигар ҳақида эса нажас ва сийдикка қараб хулоса чиқарилади” [2: 221].

Гарчи унинг қўлида диагностиканинг замонавий техник воситалари бўлмаса-да, эмпирик йўл билан қўйган ташхисларининг тўғрилиги бугунги медицинада ўз тадиғини топган. Масалан, олимнинг бош мия касалликлари, шу жумладан руҳий касалликлар диагностикаси бўйича ишларини ўрганган мутахассислар уни психиатрияга медицинанинг мустақил йўналиши сифатида асос солган, дейдилар [8: 235]. Ибн Синонинг бу борадаги энг катта хизмати – руҳий касалликларни бош мия касалликлари гуруҳига киритганидир. У руҳий касаллик турларини тавсифлар экан, депрессив ҳолатлар, шунингдек, мания касаллигининг кўринишларини фарқлаб, уларнинг белгиларини аниқ баён қилади [3: 107–138]. Бу маълумотлар эса мазкур касалликларнинг замонавий таснифи учун асос бўлди [8: 237].

Ибн Синонинг ички аъзолар касалликлари бўйича билимлари унинг X аср табобатидан анча илгарилаб кетганини кўрсатади. Масалан, у нафас аъзолари касалликларининг энг нозик, бошқа дардга чегарадош белгиларини ҳам яхши билгани боис, қарийб бир хил симптоматикага эга касалликларни бир-биридан фарқлай олган. XX асрнинг машҳур шифокорларидан В. Х. Василенко ва Б. Д. Петровлар алломанинг бу борадаги маълумотларини замонавий медицина дарсликларига дифференциал диагностика бўйича намунавий мисол сифатида киритишни тавсия қиладилар [10: LXVIII]. *Зотилжам* (плеврит), *сарсом* (менингит), *барсом* (диафрагмал плеврит) ва *зотирриа* (ўпка яллиғланиши) ва шу каби бошқа касалликларнинг дифференциал диагностикаси шулар жумласидандир: “Баъзан жигар яллиғланиши (*зотилкабид*)ни *зотилжам* деб адашадилар... Баъзан *зотилжам*ни мия пардасида бўладиган иссиқ шиш (*сарсом*) деб ҳам адашадилар... Билгинки, *зотилжам*да қон ташлаш пайдо бўлса, иситмали *истисқо* (жигар касаллиги)га ўхшаш бўлади” [3: 470].

“...*Зотилжам* билан ўпка яллиғланиши (*зотирриа*) ўртасидаги айирма шуки, ўпка яллиғланишида томир уриши тўлқинсимон, оғриғи қаттиқ, нафас қисилиши кучлироқ ва нафас иссиқроқ бўлади, яна бошқа белгилар ҳам юз беради. Агар касал *зотилжам* бўлса, *сарсом*да бўладиган ёмон ҳоллар, масалан, ақл чалкашлиги, алаҳлаш, нафаснинг тезлашиши, юрак уриши ва ўздан кетиш ёки улардан кўра кучлироқ ҳолатлар, яъни қаттиқ беҳузурлик, қаттиқ асабийлик, кучли

ташналик, юзнинг турли рангларда ўзгариши, иситманинг зўрайиши ва ўт қусиш содир бўлади...Бу билан *сарсом*ни ажрата билиш керак. Айирмалардан бири шуки, *сарсом*да дастлаб ақл чалкашлиги пайдо бўлиб, кейин бошқа ҳоллар кучаяди...*Барсом*да эса ақл чалкашлиги кейин пайдо бўлади, баъзан ўлишга яқинлашгунича ҳам ақл чалкашлиги бўлмайди, балки ақл соғлом қолади...” [3: 472].

Ички касалликларнинг диагностикасида ҳозир ҳам амалиётда қўлланадиган перкуссия – касалликни аъзоларни уриб кўриш орқали аниқлаш усулининг ихтирочиси сифатида веналик олим Л. Ауэнбруггер (1722–1809) эътироф этилган ва у медицинада XIX асрдан қўллана бошлаган. Лекин *истисқо* (қорингa сув йиғилиши) касаллигини ташхислашда Ибн Сино ана шу усулни ишлатган: “...еллар аъзони уриб кўрганда овоз чиқарадилар. Уриб кўриш ёрдами билан, масалан, мешсимон истисқо билан ноғорасимон истисқолар ўртасидаги фарқ ажратилади” [2: 241]. “...мешсимон истисқода қоринда оғирлик сезилиб туради; қорингa чертилса, овоз чиқмайди, лекин касални қўзғатилса, сувнинг чайқалган товуши эшитилади... Ноғорасимон истисқода... мешсимон истисқода сезиладиган қорин оғирлиги бўлмайди... Қорингa қўл билан урилса, пуфланган мешники каби товуш эшитилади; у товуш сув тўлдирилган мешникига ўхшамайди” [4: 84–85].

Ибн Синонинг киши кўзига кўринмайдиган жигар, ичак, буйрак каби аъзоларда юз берадиган касалликларни ўз давридаги содда усуллар воситасида амалга оширган дифференциал диагностикаси замонавий медицина дарсликларига киритишга лойиқ намуналардир. Ўткир гепатит (сариқ касаллиги) билан плеврит (зотилжам)нинг, *қуланж* (колит) билан *иловус* (илеус)нинг, буйрак яраси билан қовуқ ярасининг айирма ташхиси шулар жумласидандир [4: 56, 200, 231, 284].

Ибн Синонинг табиблик маҳорати юқумли касалликлар ташхисида ҳам ёрқин намоён бўлган. Бундай касалликларни антик давр табиблари, масалан, “медицинанинг отаси”, қадимги юнон табиби Гиппократ (мил.ав. 459–355) ва қадимги Рим табиби Клавдий Гален (129–200) ҳам билганлар, мусулмон Шарқининг машҳур табибларидан Абу Бакр ар-Розий (865–925) ҳам чечак ва қизамиқ ҳақида махсус рисола ёзган, лекин Ибн Синонинг бу соҳадаги ютуғи - у ўзининг тиббий амалиётида инфекцион касалликларнинг

дифференциал диагностикаси, уларнинг кечиш жараёни ва давоси бўйича аввалги табиблардан кўра кўпроқ ва тўғрироқ маълумотларни қўлга киритган. Хусусан, у вабони ўлатдан, гепатитни плевритдан, моховни филлик (тери берчлиги)дан ажрата билган; менингит касаллигининг белгилари ва келиб чиқиш сабабларини тўғри аниқлаган, қизамиқ, чечак ва бошқа шуларга ўхшаш хасталикларни тўғри ташхислаган. Қутуришнинг хусусиятлари, унинг бошқаларга юқиши ва бу касаллик билан оғриган беморнинг ҳолатини ниҳоятда аниқлик билан тасвирлаб берган. Қутурган бемор тишлаган одам худди шу бемор ҳолатига тушиши, ундан қолган овқат ёки сув ҳам уларни истеъмол қилган кимсани қутуртиришини таъкидлаган [5: 492]. Шу ўринда Цинке қутурган ҳайвонларнинг сўлаги юқумли бўлишини 1804 йилда Францияда тажриба йўли билан исботлаганини эслатиш жоиз.

Ибн Синонинг юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи ва ёйилишига сабаб бўладиган омиллар (масалан, зарарланган ҳаво, сув, озиқ-овқат ва б.), бундай касалликка чалинган беморларни сақлаш ва даволаш ҳақидаги айрим фикр ва кўрсатмалари замонавий медицинада ҳам амал қилади.

Ибн Синони кучли диагност сифатида намойиш этадиган усулларидан бири *набз*, яъни томир уриши орқали ташхис бўлган. Уни Ибн Синодан аввал ва кейин ўтган табиблар ҳам қўллаганлар, лекин олим қўлида бу усул ташхиснинг ишончли қуролларидан бирига айланди. Томир уришининг турлари, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда унинг қай ҳолатда касаллик белгиси бўлиши мумкинлиги ҳақидаги Ибн Синонинг фикрлари “Тиб қонунлари”нинг Биринчи китоби, шунингдек, “Рисола-йи набзия” (“Томир уриши ҳақида рисола”) номли форс тилидаги асарида батафсил баён қилинган [1: 215–230; 2: 245–268].

Муаллиф томирга қараб ташхис қўювчи табиб томир уриши (пульс)нинг ҳолатларини яхши билиши керак, деб ҳисоблайди ва уларни ўнтага бўлади: 1 – пульснинг ҳажми (кенгайиши, торайиши, паст, юқори ва ҳ.к.); 2 – ураётган томирнинг бармоққа урилиш кучи (кучли, ўртача, заиф); 3 – ҳар бир ҳаракатнинг замони (тез, ўртача, секин); 4 – томир деворларининг ҳолати (қаттиқ, мўътадил, юмшоқ); 5 – *набз*нинг тўла ёки бўшлиги; 6 – ушлаб кўрилган жойнинг иссиқ

ёки совуқлиги; 7 – пульснинг тиниш вақти; 8 – пульснинг текис ё нотекислиги ва унинг беш ҳолати; 9 – “тартибланган” ва “тартибсизланган” нотекис *набз*; 10 – яхши вазнли ва ёмон вазнли пульслар. Булардан ташқари, томир уришига таъсир қилувчи иқлим, макон, йил фасллари, жинс, ёш, овқатланиш, руҳий ва эмоционал ҳолат каби факторларни ҳам инобатга олиш зарурлигини таъкидлайди [9: LV].

Ибн Сино қўллаган мазкур усул бугун ҳам амалий аҳамиятга моликдир, чунки у замонавий диагностиканинг натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ибн Сино касалликларни даволаш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришган, чунки унинг терапияси заминида ўйланган, текширилган ва шунинг учун ҳам тўғри бўлган диагностика ётган эди. Биз буни юқорида айрим мисоллар орқали кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисолалар / Нашрга тайёрловчилар: У. И. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев. Тошкент, 1987.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I Китоб / Арабчадан таржима қилувчилар: А. Расулев, С. Мирзаев, У. Каримов, А. Муродов. Тошкент, 1983.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Ш Китоб, 1-жилд / Арабчадан таржима қилувчилар: А. Расулев, А. Қаюмов. Тошкент, 1979.
4. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Ш Китоб, 2-қисм / Арабчадан таржима қилувчилар: С. Мирзаев, А. Расулев. Тошкент, 1980.
5. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. IV Китоб / Арабчадан таржима қилувчилар: А. Расулев, А. Ўринбоев. Тошкент, 1980.
6. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. V Китоб / Арабчадан таржима қилувчи: У. И. Каримов. Тошкент, 1980.
7. Гукович В. А. Вопросы отиатрии в трудах Ибн Сины / Абу Али ибн Сина и естественные науки. Ташкент, 1981. С. 215–219.

8. Гулямов М. Г. О наследии Ибн Сины в области психиатрии / Сб. Абу Али ибн Сина и естественные науки. Ташкент, 1981. С. 235–239.
9. Жумаев В. Абу Али ибн Синонинг умумий клиник қарашлари ва уларнинг назарий асослари / Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I Китоб, Тошкент, 1983. Б. XXXVI–LXIX.
10. Петров Б. Д. Ибн Сина – великий среднеазиатский ученый-энциклопедист / В кн. Абу Али ибн Сина. Ташкент, 1983. С. XIV–CXXVII.
11. Канон врачебной науки, Книга I / Перевод с арабского М.А. Салье, У. Каримова, А. Расулева. Ташкент, 1981.

С. Каримова

Ибн Сино диагностикаси

Мақолада бухоролик буюк энциклопедист олим Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг (980–1037) тиббий асарлари, хусусан, беш китобдан иборат табобат бўйича энциклопедияси – “Тиб қонунлари”да берилган материал асосида унинг касалликлар диагностикаси (ташхиси) учун қўллаган усуллари ва назарий тавсиялари таҳлил қилинган. Олимнинг анатомия ва физиология бўйича паталогоанатомик текширишлар ўтказиш имконсиз бўлган ўша давр табиби учун чуқур билимлари, унинг ташхис қўйишда эътибор берилиши зарур деб билган омиллар кўрсатиб берилган.

Ибн Сино диагностикасидаги замонавий медицина учун ҳозир ҳам амалий аҳамиятини йўқотмаган усуллар аниқланган. Мисол сифатида кўз тузилиши ва кўришнинг оптик-физиологик жараёнларга боғлиқлиги, қулоқ тузилиши ва унинг айрим касалликларини келтириб чиқарадиган ташқи сабаблар, мия ва ички аъзолар касалликлари диагностикаси, юқумли касалликларни аниқлаш ва уларнинг кечиш жараёнига доир тафсилотлар, дифференциал диагностикага тегишли фикрларни келтириш мумкин.

Ибн Сино қўллаган ташхис усулларининг тўғри ва ишончлилигини улардан айримларининг кейинги даврларда Европада қайта кашф этилиб, сўнгги кошиф номи билан фанга кириб

қолганлиги исботлайди. Перкуссия – аъзога уриш орқали ташхис қўйиш (XVIII аср, Л. Ауэнбруггер), қутуриш касаллигининг юқумли характерга эгалиги (1804 й., Г. Цинке) шулар жумласидандир.

Калит сўзлар: *Ибн Сино, Шарқ табобати, касаллик ташхиси, Ибн Сино усули, сарсом, зотилжам, барсом, менингит, қутуриш, юқумли касалликлар.*

С. Каримова

Диагностика Ибн Сины (Авиценны)

В статье на основе материалов, изложенных в медицинских трудах, в частности, в пяти книжной энциклопедии «Канон врачебной науки» великого бухарского врача Абу Али Хусайна ибн Абдаллаха ибн Сины – Авиценны (980–1037), анализированы его практические методы и теоретические положения по диагностике заболеваний. Показано, что ученый обладал глубокими знаниями в области анатомии и физиологии для врача того времени, когда паталогоанатомические исследования были невозможны; рекомендовал учитывать факторы, влияющие на процесс диагностирования.

Выявлены методы диагностирования ученого, которые и сегодня не потеряли своего практического значения. Например, строение глаза и связь зрения с физиолого-оптическими процессами, строение уха и внешние факторы, влияющие на возникновение некоторых заболеваний слухового аппарата, диагностика болезней мозга и внутренних органов, идентификация инфекционных заболеваний, а также подробности относительно их протекания, примеры дифференциальной диагностики из их числа.

Правильность и надежность диагностических методов Ибн Сины подтверждается тем, что некоторые из них позднее были заново открыты европейскими учеными и вошли в историю медицины под их именами. В качестве примера можно упомянуть перкуссию – определение болезни путем постукивания по органу (XVIII в., Л. Ауэнбруггер) или установление заразного характера бешенства (1804 г., Г. Цинке).

Ключевые слова: *Ибн Сина, Авиценна, медицина мусульманского Востока, диагностика болезни, метод Ибн Сины (Авиценны), плеврит, менингит, бешенство, инфекционные болезни.*

S. Karimova

Diagnostics of Ibn Sina (Avicenna)

Based on the materials presented in medical works, in particular, in the five-book encyclopedias "The Canon of Medicine" of the great Bukhara physician Abu Ali Husayn ibn Abdallah ibn Sina - Avicenna (980–1037), his practical methods and theoretical provisions for diagnosis of diseases were analyzed. It is shown that the scientist had deep knowledge in the field of anatomy and physiology for a doctor at the time when pathological and anatomical studies were impossible; recommended to take into account the factors affecting the diagnosis process.

The methods of diagnosing of the scientist have been identified, which have not lost their practical value even today. For example, the structure of the eye and the relationship of vision with physiological and optical processes, the structure of the ear and external factors affecting the occurrence of certain diseases of the hearing system, diagnosis of diseases of the brain and internal organs, identification of infectious diseases, as well as details regarding their course are examples of differential diagnosis to count.

The correctness and reliability of Ibn Sina's diagnostic methods is confirmed by the fact that some of them were later rediscovered by European scientists and entered the history of medicine under their names. As an example, we can mention percussion - the definition of disease by tapping on an organ (18th century, L. Auenbrugger) or the establishment of the infectious nature of rabies (1804, G. Zinke).

Key words: *Ibn Sina, Avicenna, medicine of the Muslim East, diagnosis of the disease, Ibn Sina (Avicenna) method, pleurisy, meningitis, rabies, infectious diseases.*